O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI
UCHQUDUQ TUMAN
HOKIMINING
Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
Р Е Ш Е Н И Е
ХОКИМА
УЧКУДУКСКОГО РАЙОНА
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Uchquduq tuman A.Temur ko chasi - 28

р.Учкудук, ул. А.Темур - 28

17.02. 2020 y (г).

№ 51-К

Тумандаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автомототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасининг 2003 йил 31-январдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил 1-2-сон, 17-модда)* ҳамда 2017 йил 22-декабрдаги 1010-сонли *(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2017 й., 09/17/1010/0461-сон; 16.02.2019 й., 09/19/136/2623-сон)* қарорнинг тегишли бандларига мувофиқ транспорт воситаларини 2020 йилги мажбурий техник кўригини ташкил этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига, *(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси 1993 йил 9-сонли 320-моддага)* асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Учқудуқ тумани ҳудудида жойлашган барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари мажбурий мавсумий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Транспорт воситаларининг мажбурий техник кўриги (кейинги ўринларда матнда”техник кўрик” деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати

органлари (кейинги ўринларда матнда “ДЙҲХХ” деб юритилади) томонидан Низомга мувофиқ ўтказилади.

Транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналарининг мувофиқлигини баҳолаш учун ДЙҲХХ органлари томонидан ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан қатъи назар, вазирликлар ва идораларнинг,бошқа ташкилотларнинг, шунингдек, хусусий техник хизмат кўрсатиш станциялари (кейинги ўринда “ТХС” деб аталади) шартнома асосида жалб этилиши мумкин.

Жисмоний шахсларга тегишли М1 тоифадаги транспорт воситаларининг техник регламентлар ёки стандартлар талабларига, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари, нормаларига мувофиқлиги тадбиркорлик субъектлари-юридик шахслар (кейинги ўринларда Субъектлар деб аталади) томонидан ҳам баҳоланиши мумкин.

Бунда жисмоний шахслар-М1 тоифадаги транспорт воситалари эгалари ўз транспорт воситасининг техник ҳолати ва ускуналари мувофиқлигини баҳолаш учун ўз танловига кўра, ДЙҲХХ органлари, ТХС ёки Субъектларга мурожаат қилишлари мумкин.

3. Техник кўрикдан ўтказиш бўйича, Учқудуқ туман комиссиясининг таркиби 1-иловага мувофиқ, Навоий вилояти Йўл Ҳаракати Хавфсизлиги бошқармаси 1-сонли туманлараро рўхатга олиш ва имтиҳон олиш бўлимида Учқудуқ тумани бўйича рўйхатда турган транспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларига эга автокорхона, ташкилот, хусусий корхоналар ҳамда муасасаларнинг 2020 йилдаги техник кўригини ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Тумандаги барча транспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари эгалари бўлган юридик ва жисмоний шахсларга транспорт воситаларини техник паспорти билан биргаликда, ўз вақтида режали жадвал асосида техник кўрикдан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

5. Транспорт воситалари қўйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилсин:

а) Тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўриндиқлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (хайдовчининг ўриндиғидан ташқари) одамларни мунтазам ташиши учун жиҳозланган, юк автомобиллари йирик гобаритли ва оғир вазнли ҳамда хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар - бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур бандниг

“а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур бандниng “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси-шатакчи учун белгиланган муддатларда тақдим этилади.

д) навбатдаги техник кўрикдан ўтказишнинг илгари ўрнатилган муддатларидан қатъи назар, уларни ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) вақтида;

е) улар ишлаб чиқарилган йилдан қатъи назар, ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказилган (қайта рўйхатдан ўтказилган) кундан бошлаб бир йил ўтгач (мазкур бандниng “а” кичик бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 54-сонли қарорининг 3-бандида, Ўзбекистон Республикаси Мудофа вазирлиги, Ички Ишлар Вазирлигининг ички ва соқчилик қўшинлари, Миллий Хавфсизлик Хизматининг (Давлат хавфсизлик хизмати) ҳарбий бўлинмаларининг транспорт воситалари, кўрсатиб ўтилган идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

7. Мазкур қарорнинг 3-банди “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта жорий йилнинг 1 мартидан, 30 июнгача ўтказилади.

иккинчи марта жорий йилнинг 1 сентябрдан, 30 октябргача ўтказилади.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 мартдан, 30 июнгача ўтказилади.

Жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларининг техник кўриги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомига мувофиқ 1 январдан 31 августга қадар ўтказилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

8. Транспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларининг техник кўрикдан ўтказилганлиги учун жарималар ундирилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги “Транспорт воситаларини

мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 54-сонли қарори билан тасдиқланган низомда белгиланган тартибларга қатъий риоя қилинсин.

9. Транспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларини техник кўрикдан ўтказиш, туман комиссияси раҳбарига:

транспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормалари ҳамда қоидаларига риоя этилиши устидан самарали назоратни ташкил этиш:

транспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларининг техник ҳолати ва ускуналари, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари ҳамда нормаларига мувофиқлигини баҳолаш юклатилсин.

10. Туман ҳудудидаги барча юридик шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларини мавсумий техник кўрикдан ўтиш ҳайдовчиларни малакасини оширганлиги тўғрисидаги сертификат ва транспорт воситаларини видеокузатув мосламалари (видеорегистратор) билан тўлиқ жиҳозланганидан сўнг амалга оширилсин.

11. Учқудуқ тумани ИИБ ЙҲХГ ходимлари мазкур қарорнинг ижроси таъминланганлиги тўғрисида 2020 йилнинг 30 ноябр кунига қадар Учқудуқ туман ҳокимлигига ёзма равишда ахборот тақдим этиш топширилсин.

12. Туман ҳокимлиги Ахборот хизмат раҳбари-матбуот котиби (Р.Қодирова) ушбу қарорни оммавий ахборот воситаларига кенг ёритилишини ҳамда Учқудуқ туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Учқудуқ туман хокимининг ўринбосари А.Негматовга, ижросини ташкил этиш Учқудуқ туман ИИБ бошлиғи А.Савуров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **С.Хамроев**

Туман ҳокимининг
“_____” _____
2020 йилдаги
_____сонли қарорига
1 - илова

Мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссиясининг
Т А Р К И Б И

1. И.Ахмедов	туман ИИБ ЙҲХГ катта инспектори, ишчи гуруҳ раҳбари
2. Б.Бекназарова	туман “Ўзагросуғурта” бўлими бош менеджери, ишчи гуруҳи аъзоси
3. Ҳ.Назаров	туман Мудофа ишлари бўлимида техника ҳисобини юритувчи ходим
4. С.Қувонов	НКМК Шимолий кон бошқармаси транспорт бўлим бошлиғи

Туман ҳокимининг
2020 йил “ ___” “_____”даги
_____сонли қарорига
2-илова

Учқудуқ тумани ИИБ ЙҲХГда рўйхатда турган транспорт воситаларига эга бўлган автокорхона ташкилот, хусусий корхоналарнинг 2020 йилги мажбурий техник кўригини ўтказиш

Ж А Д В А Л И

Т/Р	Ташкилот, корхона, идораваюшмаларнингномлари	ТВ сони	Куни ва вақти	Техник кўрик ўткизиладиган жойи
1	НГМК СЕВ.РУ А/Б-1	375	14-28.03.2020 йил 11-25.04.2020 йил 08-16.05.2020 йил 13-27.06.2020 йил	Корхона ҳудудида
2	НГМК СЕВ.РУ ГТР	25	10.04.2020 йил 15.05.2020 йил	Корхона ҳудудида
3	НГМК СЕВ.РУ ГМЗ-3	9	17.04.2020 йил	Корхона ҳудудида
4	КОКПАТАС ДГКЭ	21	18.04.2020 йил 25.05.2020 йил	Корхона ҳудудида
5	НГМК СЕВ.РУ УАТ	17	24.04.2020 йил	Корхона ҳудудида
6	НГМК СЕВ.РУ ЦМТБ	6	15.05.2020 йил	Корхона ҳудудида
7	БУКАНТАУ ГТБП	40	04.04.2020 йил 23.05.2020 йил	Корхона ҳудудида
8	УЧҚУДУК-ҚИМИЗ МЧЖ	63	13-27.03.2020 йил	Корхона ҳудудида
9	ИСКАНДАР-ИШОНЧ-ТРАНС-СЕРВИС МЧЖ	35	12-24.04.2020 йил 07-15.05.2020 йил	Корхона ҳудудида
10	ИСКАНДАР ГРАНД ИНВЕСТ МЧЖ	4	12-26.06.2020 йил	Корхона ҳудудида
11	УЧҚУДУҚ-РАВОН-ЙЎЛ МЧЖ	48	09.04.2020 йил 14.05.2020 йил 25.06.2020 йил	Корхона ҳудудида
12	ФАРРУХ-УЧҚУДУҚ ТРАНС МЧЖ	58	08.04.2020 йил 14.05.2020 йил 24.06.2020 йил	Корхона ҳудудида
13	УЧКУДУК ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ	14	10.05.2020 йил	Корхона ҳудудида
14	УЧКУДУК ТУМАН Й.Ф.У.К	19	06.04.2020 йил 22.05.2020 йил	Корхона ҳудудида
15	УЧКУДУК ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ	5	16.04.2020 йил	Корхона ҳудудида
16	УЧКУДУК ТУМАН ТОЗА ХУДУД ДУК	5	15.04.2020 йил	Корхона ҳудудида
17	УЧКУДУК ТУМАН ХОКИМЛИГИ	9	25.04.2020 йил	Корхона ҳудудида
18	МК ВАТАНПАРВАР УСТК	7	13.04.2020 йил	Корхона ҳудудида
19	УЧКУДУК-САВДО МЧЖ	12	15.05.2020 йил	Корхона ҳудудида
20	УЧКУДУК ТЕМИР ЙУЛ МАСОФАСИ	4	17.05.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
21	УЧҚУДУҚ ТУМАН ВЕТЕРЕНАРИЯ БУЛИМИ	2	5.03.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
22	УЧҚУДУҚ БЕК БАРАКА МЧЖ	2	15.03.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида

23	НГМК СЕВ.РУ ЦТВГСИК	2	15.03.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
24	УР МБ РИХ ДУК НАВОИЙ ВИЛ БОШКАРМАСИ УЧКУДУК ШАХАР БУЛИМИ	3	26.03.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
25	БАНДЛИККА КУМАКЛАШИШ МАРКАЗИ	2	15.03.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
26	ТЕМУРБЕК ФАЙЗ Ф/Х	2	15.03.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
27	УЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОКИ	2	28.03.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
28	УЧКУДУК КОНЧИЛИК КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ	2	28.03.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
29	ШОИРА ЁДГОР МЧЖ	2	19.04.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
30	ШОХБЕК БИЗНЕС ФАРМ МЧЖ	2	19.04.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
31	АЙГЕРИМ АЛМАГУЛ Х/К	2	21.04.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
32	ГРАНТ УЧҚУДУҚ МЧЖ	2	21.04.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
33	ЕВРОМЕТАЛ-АЗИА МЧЖ	2	26.04.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
34	КУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОМУН АЛ ХУЖАЛИГИ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ	1	26.04.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
35	МИКРОКРИДИТ БАНК АТБ	1	17.05.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
36	СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАЬМ.ДЕПАРТ НАВ.ВИЛ.БУЛИМИ	1	19.05.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
37	УЧКУДУК ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТИ ДАВЛАТ КОРХОНАСИ	1	16.05.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
38	УЧКУДУК ДАВЛАТ УРМОН ХУЖАЛИГИ	1	15.05.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
39	УЧКУДУК ДЕХКОН БОЗОРИ МЧЖ	1	15.05.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
40	УЧКУДУК ПОЧТА АЛОКА ТАРМОГИ	1	15.05.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
41	УЧКУДУК ТУМАН КИШЛОК ХУЖАЛИК БУЛИМИ	1	15.05.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
42	УЧКУДУК ТУМАН МАЬМУРИЙ СУДИ	1	13.05.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
43	УЧКУДУК ТУМАН ХОКИМИЯТИ МОЛИЯ БУЛИМИ	1	13.05.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
44	УЧКУДУК ТУМАН ХОКИМЛИГИ ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАСИ	1	13.05.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
45	УЧКУДУК ТУМАНИ "МАХАЛЛА" ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ	1	19.04.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
46	УЧКУДУК ТУМАНИ ДСИ	1	19.04.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
47	УЧКУДУК ТУМАНИ ДСЭНМ	1	18.04.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
48	УЧКУДУК ТУМАНИ ХАЛК ТАЬЛИМИ БУЛИМИ	1	18.04.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
49	БУХОРО МИНТАКАВИЙ ТЕМИР ЙУЛ УЗЕЛИ УЧКУДУК ТЕМИР ЙУЛ	1	23.04.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида

	МАСОФАСИ			
50	БУХОРО МИНТАКАВИЙ ТЕМИР ЙУЛИ "ТИКЛАШ ПОЕЗДИ-4310"	1	23.04.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
51	БУХОРО ХАРБИЙЛАШТИРИЛГАН КУРИКЛАШ ОТРЯДИ	1	23.04.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
52	КАНАРБОЙ ОТА ХАЙРИЯ ЖАМГАРМАСИ	1	27.04.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
53	МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИ НАВОИЙ ВИЛОЯТ УЧКУДУК ТУМАНИ БУЛИМИ	1	27.04.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
54	ШИМОЛ ОВКАТЛАНИШ КОМБИНАТИ	1	27.04.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
55	БАРАКА-СЕРВЕС-УЧҚУДУҚ ФХ	1	27.04.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
56	ОНИКС МЧЖ	1	29.04.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
57	РАВШАН ГУЛШАН РАВНАКИ МЧЖ	1	29.04.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
58	ТАРЛОН ОИЛ ГАЗ МЧЖ	1	05.04.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
59	УЧКУДУК НАВРУЗ МЧЖ	1	05.04.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
60	УЧКУДУК-НЕДРА МЧЖ	1	05.04.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
61	УЧҚУДУҚ МИЛК-2000 МЧЖ	1	04.05.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
62	ХАЁТЖОН МЧЖ	1	04.05.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
63	АЛТИНТОУ-КАЛИН МЧЖ	1	04.05.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
64	ВЕСТ ДРЕАМ ИНВЕСТ МЧЖ	1	23.05.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
65	ГУЛИ МОХЛАРОЙИМ Х/К	1	23.05.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
66	ДАУГЫЗТАУ ДГҚЭ	1	09.06.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
67	ЗУХРИДДИН-НУР Х.К	1	09.06.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
68	ИСЛОМИДДИН-МАХМУДЖОН Ф/Х	1	09.06.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
69	ИШОНЧ-ФЕРУЗ Х.К	1	09.06.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
70	КОЛОСОК МЧЖ	1	10.06.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
71	НАСИБА ШИРИНЛИКЛАРИ Х/К	1	10.06.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
72	НУРАФШОН НУР БИЗНЕС МЧЖ	1	10.06.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
73	ООО "UCHQUDUQ AGRO COMPLEX"	1	12.06.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
74	ООО HEART OF UCHKUDUK	1	12.06.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
75	JEWELERY STONE МЧЖ	1	12.06.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
76	LANMAIJIYUAN МЧЖ	1	14.06.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида

77	NEW STAR UCHQUDUQ МЧЖ	1	14.06.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
78	SARVIGUL CHARROS SEVARA Д.Х	1	14.06.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
79	АЗИЗЖОН МУНИСХОН-КЕЛАЖАГИ Х/К	1	15.06.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
80	ДИНАРАБОНУ-ГРАНТ МЧЖ	1	15.06.2020 йил	Туман ИИБ ЙҲХГ биносида
ЖАМИ;		851		

Изоҳ: Қолган ташкилотлар, хусусий кичик корхоналарга тегишли бўлган транспорт воситалари ҳафтанинг якшанба кунлари Учқудуқ туманидаги "Учқудуқ-Қимиз" МЧЖда техник кўригидан ўтказадилар.

Учқудуқ туман ИИБ ЙҲХГ
катта инспект.ори катта лейтенант **И.И.Ахмедов**